ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ — 2-бет

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ — 3-бет

БИРЖА САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ — 6-7-8-бетлар

ЗИЙРАК БОБОНИНГ НАВБАТДАГИ САФАРИ — 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 241 (10.294) / 2004 ЙИЛ 10 ДЕКАБРЬ

*10 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун*

## АБАДИЙ ҚЎШИҚ

**Серқуёш ҳур ўлкам элга**
**бахт, нажот,**
**Сен ўзинг дўстларга**
**йўлдош, меҳрибон.**
**Яшнагай то абад илму**
**фан, ижод,**
**Шуҳратинг порласин токи**
**бор жаҳон...**

Ўзбекистон халқи ҳар тонг ҳурриятнинг муаззам садоси бўлмиш шу тарона билан уйғонади. Ушбу муборак қўшиқ мамлакатимиз аҳлининг руҳига руҳ, қувватига қувват бағишлаб, жўшқин ҳаётга чорлайди.

Куни кеча тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси бўлмиш Конституциямиз қабул қилинганлигининг ўн икки йиллигига бағишланган тантанали байрам маросими ҳам аньанага кўра Давлатимиз мадҳияси ижроси билан бошланди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов жаҳоннинг турли давлатларига ташриф буюрганида, мамлакатимизга ташриф буюрган турли давлатлар раҳбарларини кутиб олишда Давлатимиз мадҳияси янграйди. Юртимиз вакиллари иштирок этаётган халқаро миқёсдаги улкан сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақалари чоғида мазкур шукуҳли тарона жаранглаганида қалбларимиз фахру ифтихорга тўлади.

Мадҳиямиз тарихи, бошқа давлат рамзларимиз тарихи билан бир қаторда, мустабид тузум ҳали-ҳамон бош кўтариб турган, унинг рамзлари амалда бўлган даврларга бориб тақалади. Давлат рамзлари ҳақидаги масала Юртбошимизнинг ташаббуси ва фидойилиги туфайли 1990 йил март ойидаёқ парламент сессиясида муҳокама этилган, ўша йилнинг 20 июнида қабул қилинган. Мустақиллик декларациясида эса Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилаши ва давлат рамзларини ўзи таъсис этажаги қайд қилинганди.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси 1992 йил 10 декабрь куни Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган. Мадҳия муаллифлари — Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ва Ўзбекистон халқ артисти, атоқли композитор Мутал Бурхонов.

Бугун мадҳиямиз таълим масканларида ёш авлодни юртга меҳр-муҳаббат, садоқат ва ифтихор руҳида тарбиялашга улкан хизмат қилаётир.

Халқимизнинг ўтмишини, бугуни ва келажагини, куч-қудратини, орзу-умидларини ўзида тўла акс эттирган Бош қўшиғимиз — мадҳиямиз асрлар оша дунё узра мангу таралаверсин. Зеро, ҳар бир ўзбек учун, ўзбекистонлик учун ардоқда бўлган бу муаззам қўшиқда халқимиз даҳоси, бетакрор зийнати тажассум топган.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

## XXI аср садоси

*Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар*

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида хорижийсармоялар ёрдамида ташкил этилган 5 та қўшма корхона маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Жумладан кеча Қорақалпоғистон Республикаси Беруний шаҳрида ташкил этилган «Берунийтекс» ҳамда Тошкент шаҳрида Туркия билан тузилган «Алким текстиль» корхоналарининг тақдимот маросими ўтказилди.

● Андижон шаҳрида Бош Қонунимиз қабул қилинган кунда Конституция майдонининг очилиш маросими бўлди.

● Навоий вилояти деҳқонларининг ҳосил байрами Конституциямизнинг 12 йиллик тантаналарига уланиб кетди. Унда қишлоқ хўжалик соҳасида улкан ютуқларга эришган бир гуруҳ миришкорларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

● Бухоро вилоят ахборот ва маданият ҳамда фото санъатини ривожлантириш ижодий марказлари ҳамкорлигида «Улардан меҳрингизни дариғ тутманг» номли фото кўргазма ташкил этилди.

● Қаршидаги «Sack Market» компанияси жамоаси «Ўзсаноатқурилишбанк» нинг ҳудудий бошқармаси кредити ҳисобига Хитойдан замонавий технология харид қилиб синтетик қоплар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

● Жиззах вилояти Бахмал туманидаги А.Усанов номли ширкатлар уюшмасида «Шойбек» иқтисодиёт коллежи фойдаланишга топширилди.

### Жаҳонда

● Жанубий Американинг 12 мамлакат раҳбарлари ва юқори даражали вакиллари Перуда ўтказилган учрашувда Жанубий Америка миллатлар ҳамжамияти янги сиёсий-иқтисодий блокини тузиш ҳақида келишиб олдилар.

● АҚШ конгресси сўнгги 50 йил ичида мамлакат разведка хизматининг энг йирик ислоҳоти ҳақидаги қонун лойиҳасини маъқуллади. Ушбу ҳужжатда разведка йўналишининг 15 та турли тизимини бирлаштирувчи Миллий антитеррористик марказ ташкил этиш кўзда тутилади.

● Кеча Камерун президенти Пол Бийя мамлакатнинг янги бош вазирини тайинлади — Питер Мафани Мусонге ўрнига илгари президент маъмуриятида ишлаган Эфраим Инони ҳукумат раҳбари бўлди.

● Кеча Доғистон ҳудудидан ўтган диаметри бир метрлик йирик газ ўтказгич қувурида иккита портлаш рўй бериши натижасида улкан ёнғин вужудга келди. Террорчилик ҳаракати дея гумон қилинаётган мазкур ёнғин оқибатида 21 нафар киши турли даражадаги куйиш жароҳатини олди, Озарбойжонга газ узатилиши тўхтаб қолди.

## САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

### БУГУН

**ЎЗБЕКИСТОН ФИДОКОРЛАР МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ**

**фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг тўртинчи саҳифасида ёритилмоқда.**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ**

**фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг бешинчи саҳифасида ёритилмоқда.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

*Янгиликлар, воқеалар*

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** Тошкент Давлат шарқшунослик институтида Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган семинар «Сайлов жараёнида хотин-қизларнинг ролини ошириш»деб номланди.

● **БУГУН** Сергели туманида туман ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳамда ҳомий ташкилотлар ҳамкорликларида бунёд этилган замонавий спорт мажмуининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Чилонзор туманида фаол ёшлар иштирокида «Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим» мавзуида ўтказилган давра суҳбати «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

● **ЭРТАГА** «Саноаталоқа» масъулияти чекланган жамиятида уюштириладиган давра суҳбати «Соғлом она — соғлом оила — соғлом келажак» деб номланади.

● **ТОШКЕНТ** Давлат тиббиёт институтида ҳуқуқий билимларни юксалтириш мақсадида ўтказилган тадбирда Ҳамза туман прокуратураси ходимлари иштирок этишди.

● **21-МЕҲРИБОНЛИК** уйида Юнусобод туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими, туман ички ишлар бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорликларида 1 декабрдан уюштирилган «Сен қонунни биласанми?» мавзуидаги очиқ тарбиявий дарслар давом этмоқда. Ушбу тадбир 15 декабрда якунланади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## РОССИЯ ПАРЛАМЕНТИ ВАКИЛЛАРИ ЮРТИМИЗДА

**Сайловларга бир неча кун қолганда юртимизга Россия Федерацияси Давлат думасининг бир гуруҳ кузатувчилари келадилар.**

Марказий сайлов комиссиясида Давлат думаси делегацияси иштирокида ўтказилган учрашувда шу ҳақда сўз борди.

Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С.Хўжаева Россия парламенти вакилларини сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгаришлар билан таништирди. Ўзбекистоннинг янги, икки палатали парламентига бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни ташкил этиш ана шу қонунчиликка асосланганини таъкидлади.

Учрашувда жаҳон ҳамжамияти мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга катта қизиқиш билан қараётгани қайд этилди. 26 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов бу борадаги ислоҳотларнинг яққол далилидир. Юртимизда МДҲ ва ЕХҲТ кузатувчилари миссияси иш бошлади. Яқин кунларда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Европарламент, шунингдек, дунёнинг кўпгина мамлакатларидан ҳам кузатувчилар келиши кутилмоқда.

Демократиянинг ҳамма учун бир хил, тайёр шакли ва қолипи йўқ. Шу маънода Ўзбекистон ўзининг демократик ривожланиш йўлини танлаган, деди Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази раҳбари Ш.Қудратхўжаев. Шу билан бирга, бошқа мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаси ва турли халқаро институтларнинг тавсиялари муҳим аҳамиятга эга. Улардан миллий манфаатларимизни ҳисобга олган ҳолда фойдаланишимиз мумкин.

— Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси томонидан Россия парламенти аъзоларининг сайловда кузатувчи сифатида иштирок этиш учун таклиф қилиниши мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка яна бир мисол бўла олади, — деди делегация раҳбари, Россия Федерацияси Давлат думасининг МДҲ ишлари ва ватандошлар билан алоқалар бўйича қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Аҳмед Билолов. — Ўзбекистонда доимий асосда фаолият юритадиган икки палатали парламентнинг шаклланиши мамлакатингизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар йўлидаги муҳим қадамдир. Бундай тузилма қонун ижодкорлиги жараёнини жамият ҳаётига имкон қадар яқинлаштиришга, уни демократлаштиришга ёрдам беради. Шуни таъкидлаш керакки, бу борада ўзбекистонлик ҳамкасбларимиздан ўрганадиган жиҳатлар бор. Ўзбекистон парламенти ва Россия Давлат думаси келгусида ҳамкорликни янада ривожлантиради, деган умиддаман. Мамлакатларимиз президентларининг учрашувлари бу ҳамкорликни янада кенгайтириш учун катта имкониятлар яратди.

Учрашувда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф.Мухаметшин иштирок этди.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Юридик шахс мақомига эга бўлган кичик фирманинг раҳбариман. Маҳсулотларни қадоқлаш билан шуғулланамиз. Очиғи, бир қатор корхоналардан қарзимиз бор. Тўлашнинг иложини тополмаяпмиз. Айтинг-чи, агар фирмамиз қарзларини қайтара олмаса, у тугатиладими? Банкротлик қандай тартибда қўзғатилади?**

**Д.Асадов, муҳандис.**

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонунининг 3-моддаси, 1-қисмига мувофиқ, юридик шахснинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлов мажбурияти юзага келган кундан эътиборан олти ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, у банкротлик аломати деб эътироф этилади.

Ушбу қонуннинг 4-моддасига кўра, банкротлик тўғрисидаги ишлар хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади. Банкротлик тўғрисидаги иш ушбу қонуннинг 3-моддасида назарда тутилган ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда хўжалик суди томонидан қўзғатилади.

* * *

**Бизнинг шифохонамизда меҳнат таътили пулини ҳисоблашда бир йиллик иш ҳақини жамлаб, ўртача чиқими таътил пули тарзида берилаяпти. Қонунда меҳнат таътили пулини ҳисоблашнинг қандай тартиби белгиланган?**

**Т.Аҳмадбоева, шифокор.**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 148-моддасига мувофиқ, йиллик таътиллар даври учун ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган микдорда ҳақ тўлаш кафолатланади. (169-модда)

Таътил учун ҳақ тўлаш жамоа шартномасида белгиланган муддатда, лекин таътил бошланмасдан олдинги охирги иш кунидан кечикмасдан амалга оширилади. Ушбу кодекснинг 169-моддасига мувофиқ, ходимга тегишли бўлган ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби барча ҳолларда (кафолатли тўловларни бериш, таътил вақти учун ҳақ тўлаш, вақтинча бошқа ишга ўтказилганда, зарарни қоплашда мажбурий прогул қилинганда ва бошқа ҳолларда иш ҳақи тўлаш) пенсия тайинлаш учун ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришни истисно этганда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланади.

* * *

**Мен шу йил талаба бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Ёшим 17 да шахсий уй сотиб олмоқчи эдим. Лекин бир савол мени қизиқтирмоқда, неча ёшдан уй сотиб олиш мумкин?**

**С.Раҳимов, талаба.**

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексига мувофиқ, 18 ёшга тўлган ҳар қандай фуқаро шахсий турар жой олиш ҳуқуқига эга. Муниципал шахслар, яъни ишга кирган 18 ёшга тўлган шахслар, қонунда белгиланган тартибда идоравий уй жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан турар жой олш ҳуқуқига эга.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**

**26 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайлов куни**

# ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР ТАРҒИБОТИ

**«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг сайлов мавзуига бағишланган сони ўзбек, рус, инглиз тилларида нашр этилди. У Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда тайёрланди.**

Шу йилнинг 26 декабрида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади. Шундан сўнг бир ой ичида Олий Мажлиснинг Сенати шакллантирилади. Бу ижтимоий тараққиётнинг янада юксалиши учун самарали шарт-шароит яратиши шубҳасиз.

Журнал саҳифаларида ўнга яқин халқаро-ҳуқуқий ҳужжатда қайд этилган сайловга оид умумэътироф этилган нормалар келтирилган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, БМТ Устави, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген Кенгаши ҳужжатлари каби меъёрий ҳужжатлардан кўчирмалар шулар жумласидандир.

Президентимиз Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида кейинги уч ой давомида бўлғуси сайловларга тайёргарлик доирасида мамлакатимизда еттита йирик халқаро конференция ва семинарлар бўлиб ўтгани ҳамда уларда 29 та, авваламбор, демократик давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кўзга кўринган олим ва сиёсатчилар, эксперт ва мутахассислар қатнашганини алоҳида таъкидлади. Ана шу халқаро конференция ва семинарлар туркуми тафсилотлари ҳам журналда эълон қилинган.

Журнал саҳифаларида Ф.Акчура, П.Мюллерсон, Ж.Дейли, П.Юза, Ф.Бришка, Н.Жоши, Я.Накаучи, М.Север, Ш.Кодама, Р.Крумм, М.Гумппенберг, М.Агибаева сингари хорижий мутахассисларнинг демократик сайловларни ўтказиш бўйича халқаро тажрибалар таҳлили билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларига кенг ўрин ажратилган.

Бу мақолаларда хорижий кузатувчилар иштироки ва уларнинг мақоми, жаҳон парламентаризм тажрибасида алоҳида ажралиб турувчи жиҳатлар, бу борада мураккаб шаклланиш босқичини муваффақиятли босиб ўтган давлатлардаги амалиёт равон тилда тушунтирилади.

Б.Мустафоев, А.Саидов, Н.Исмоилов, Ў.Ҳошимов, Ш.Қудратхўжаев, С.Хўжаева, М.Рустамбоев, Ж.Абдусатторов, Б.Эргашев, Ш.Ғуломов, О.Соатов, Ф.Мўминов ва бошқаларнинг мақолаларида бўлажак сайловларда сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ва депутатликка номзодларга тенг имкониятлар яратиш, миллий сайлов қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари аниқ мисоллар орқали таҳлил этилган.

Бундан ташқари, бир қатор мақолаларда сайлов тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган янгиликларнинг моҳияти ва аҳамияти, сайловни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг иштирок этиш тартиби ва ўрни сайловларни ташкиллаштириш ва молиялаштириш масалалари аниқ кўрсатиб берилган.

Журналнинг ушбу сони сайлов кампаниясидек муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир доирасидаги тарғибот ишларига қаратилгандир.

**Лазиз РАҲМАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# КОБУЛДА ИНАУГУРАЦИЯ

**7 декабрда афғон халқи ҳаётида тарихий воқеа юз берди. Бу кун октябрь ойида бўлиб ўтган сайловларда кўпчилик овоз билан ғалаба қозонган Афғонистон президенти Ҳамид Карзай қасамёд қабул қилди.**

Инаугурация маросимида 50 га яқин давлатдан 600 дан зиёд хорижий меҳмонлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси ҳам иштирок этди.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва бу мамлакат иқтисодиётини тиклашда кўмаклашиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кўп маротаба БМТ ва бошқа нуфузли халқаро анжуманлар минбарларидан туриб жаҳон ҳамжамияти эътиборини Афғонистондаги вазиятга жалб этилга интилган.

Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида фаол ривожланаётган иқтисодий алоқалар ҳамкорликнинг турли соҳаларида бой тажриба тўпалаганимиздан далолат бермоқда. Афғонистон ҳудудида саноат, ирригация, қишлоқ хўжалиги иншоотларини қуриш, ишга тушириш, мутахассис кадрлар тайёрлаш, транспорт-коммуникация инфратузилмасидан биргаликда фойдаланиш шулар жумласидандир.

Ўзбекистонлик мутахассислар томонидан Мозори Шариф — Саланг — Кобул йўналиши бўйича 11 та кўприк қайта тикланди. Хайратон — Мозори Шариф темир йўлининг бир қисмини тозалаш ишлари якунланди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ўтган йили Эронга қилган ташрифи чоғида Ўзбекистон, Афғонистон ва Эрон ўртасида имзоланган халқаро транспорт йўналишлари тўғрисидаги шартномага мувофиқ, Афғонистон ҳудуди орқали ўтувчи транспорт йўлагини («Трансафғон йўлаги») қуриш ишлари давом этмоқда.

**«Жаҳон» АА**

*Танловлар*

# ЮРАГИМНИ БОЛАЛАРГА БАҒИШЛАЙМАН



**Азал-азалдан халқимиз меҳр-оқибатли, эзгу ниятли, бағри кенг, олийҳиммат, болажон. Оғир-енгил кунларда, қийинчилик даврларида ҳам турли миллат болаларини бағрига олиб, ширин сўз билан бошини силаган халқ. Меҳр-мурувватга йўғрилган ушбу удумларимиз Мустақиллик йилларида, айниқса «Меҳр ва мурувват йили»да янада сайқал топди, илиқ бир нур бўлиб ёрдамга муҳтож инсонлар хонадонига кириб борди. Меҳрибонлик уйларида таълим-тарбия олаётган болажонларга эса алоҳида эътибор кўрсатилиб уларнинг барча тенгдошлари каби ота-она бағрини ҳис қилиб соғлом, таълим-тарбияли, комил инсон бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.**



Хусусан, Республика Халқ таълими вазирлиги ва «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган «Юрагимни болаларга бағишлайман» деб номланган кўрик-танлов ҳам айнан Меҳрибонлик уйларидаги таълим-тарбияни янада яхшилаш каби эзгу ниятни кўзлаб ташкил этилди.

Куни кеча ушбу кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи «Сен ёлғиз эмассан» болалар жамғармасининг шинам ва ораста биносида болажонлар кўнглини қувончга, бир олам шодликка тўлдирувчи катта тайёргарлик, юқори кўтаринкилик билан ўтказилди. Унда пойтахтимиздаги бешта Меҳрибонлик уйи тарбиячи ва болажонлари иштирок этиб «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» ва «Энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси» каби номинациялар бўйича беллашдилар.



Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Анвар Зокиров, «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси директори Жавлон Эгамбердиевлар эртамизнинг нурли куни бўлган ёш авлоднинг келажаги, таълим-тарбияси, етук инсон бўлиб вояга етиши йўлида давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли бугунги кунда Меҳрибонлик уйларида амалга оширилаётган ибратли ишлар, таълим-тарбия йўлидаги чуқур ислоҳотлар ҳақида алоҳида тўхталиб, болажонларнинг соғлом, маънан етук инсонлар қаторидан жой олишларига ҳисса қўшиш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлиги, ўтказилаётган кўрик-танловдан ҳам айнан мана шундай эзгу ниятлар кўзланганлигини айтиб ўтдилар.

Танловда қатнашиб ўз билими ва иқтидори, болажонларга бўлган бор меҳрини кўрсатишга интилган тарбиячилар меҳрибонлик уйларининг бугунги кўриниши, яратилган шарт-шароитлар, ўтказилаётган машғулотлар, тўгараклар фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот беришга, кўргазмали қуроллар орқали кўрсатишга, болажонлар эса ўзлари яшаб турган азиз маскан, меҳрибон-куюнчак ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини имкон қадар оқлашга ҳаракат қилдилар.

Болажонларнинг шўх ўйин-кулгулари, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари билан ниҳоятда сервавқ ўтган ушбу танловда ғолиблик «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» номинацияси бўйича Юнусобод туманидаги 31-Меҳрибонлик уйига насиб этди ва улар республика босқичига йўлланмани қўлга киритдилар. «Энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси» деб Ҳамза туманидаги 30-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Феруза Усмонхўжаева топилди ва у ҳам Республика босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Кўрик-танлов ғолиблари ва барча иштирокчилар қимматбаҳо эсдалик совғалари, Фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар. Эл севган Манзура Йўлдошева, Диёрбек Маҳкамов каби қатор хонандаларнинг дилрабо куй ва қўшиқлари бутун тадбир давомида янграб ушбу танловнинг узоқ вақт ёдда сақланиб қолишига хизмат қилди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Юрагимни болаларга бағишлайман» танловидан лавҳалар.**

**Андрей Безручко ва Наталья Сёменова олган суратлар.**

# ЎЗБЕКИСТОН ФИДОКОРЛАР МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАЙЛИК !**

## ҚАҲРАМОН УСТОЗ



Мавлюда ИСМАТОВА

**1943 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 273-мактаб директори. Номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига кўрсатилган ва 9-Бодомзор сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.**

Буюк келажакка мактабда пойдевор қўйилади, ёш авлод тарбияси энг муҳим масала, дея таълимда янгиликлар яратиш ташаббускори Мавлюда Исматова Тошкент Давлат педагогика университети (илгариги Тошкент Давлат педагогика институти)нинг тарих-филология факультетини тугатганидан сўнг меҳнат фаолиятини Тошкент туманидаги 26-мактабда бошланғич синф ўқитувчилигидан бошлаган. 1975 йилдан она тили ва адабиёт фанидан ўқитувчи, бошланғич синфлар бўйича илмий бўлим мудири вазифаларида фаолият юритган. 1983 йилдан шу кунга қадар 273-мактабда директор лавозимида ишлаб келмоқда.

Мавлюда Исматова Фидокорлар миллий демократик партияси аъзоси, ФМДПнинг Юнусобод тумани кенгашининг биринчи котиби сифатида доимий равишда жойларда сиёсий-маърифий тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Устоз Мавлуда Исматованинг самарали фаолияти ҳукуматимиз томонидан юқори баҳоланган. 1983 йилда «Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси», 1993 йилда — «Ижодкор ўқитувчи», 1995 йилда — «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» каби юксак унвонларга, 2001 йилда «Мустақилликнинг 10 йиллиги» кўкрак нишонига сазовор бўлди.

М. Исматова ўзининг 40 йиллик меҳнат фаолияти давомида таълимнинг бошланғич босқичидан етуклик даражасига қадар бўлган йўлни босиб ўтди. Бинобарин, у болаларни севган, уларнинг ҳар бирига индивидуал — якка тарзда ёндоша олган мураббий-устоздир. Мавлюда Исматова «Она ва бола йили» Давлат дастури комиссияси таркибида ҳам қатнашган.

1989 йилда М.Исматова биринчилар қаторида ташаббус кўрсатиб, ўзи раҳбарлик қилаётган илм даргоҳини номига монанд мувофиқ равишда янги кўринишдаги мактабга айлантирди. Шаҳримиздаги олий ўқув юртлари ҳамда ҳунарга ихтисослашган 25-машинасозлик билим юрти билан ҳамкорликда иш олиб бориб, мактабда лицей синфларини очди. Тўққизинчи синфни тугатган ўсмирларнинг ўқишдан четда қолмаслигини таъминлаш мақсадида турли ҳунарларга ихтисослашган синфлар ташкил этди.

Бу ишлар албатта ўз самарасини берди. Жумладан, мактабда ташкил этилган «Оталар кенгаши»нинг иш мазмуни ҳам намунали деб эътироф этилмоқда. Бугунги кунда биронбир ўқувчи тарбияси оғир ўсмир сифатида мактаб рўйхатига олинмаган.

М.Исматованинг эртанги кунимиз — ўсиб келаётган авлоднинг истиқболи йўлида қилаётган саъй-ҳаракатлари зое кетмади. 1999 йилда Мавлюда Исматовага мамлакатимизнинг энг юксак Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилди.

## МАТОНАТЛИ ИНСОН



Оманбай ОКЮЛОВ

**1953 йилда Фарғона вилоятининг Фурқат туманида туғилган. Оғир касаллиги туфайли ўрта мактаб таълимотини мустақил равишда ўзлаштирган. О. Окюлов биринчи гуруҳ ногирони, бироқ ҳаётда унинг ўз олдига қўйган қатъий мақсади бор, унга сабр-матонат билан доимий равишда интилади ва ҳар қандай қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтишга ҳаракат қилади. Унинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган ва 1-Оқтепа сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.**

Меҳнат фаолиятини 1974-1975 йилларда пахтачилик хўжалигида ҳисобчи ёрдамчиси вазифасидан бошлаган. 1975-1980 йилларда Ўзбекистон Миллий университети (илгариги Тошкент Давлат университети)нинг ҳуқуқшунослик факультетини аъло баҳолар билан тамомлаган. 1980-1996 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтида кичик илмий ходим, илмий ходим, катта илмий ходим лавозимларида ишлаган. 1991 йилда номзодлик, 2000 йилда эса докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган. 1996 йилдан буён Тошкент Давлат юридик институти хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедраси профессори вазифасини бажариб келмоқда. Шу билан бир қаторда Республика юристлар малакасини ошириш маркази ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида тинглобчилар ва талабаларга дарс бермоқда.

Профессор Оманбай Окюлов 100 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи. АҚШ, Япония давлатларида ўюштирилган илмий анжуманларда маърузалар қилган. Унинг илмий асарлари Ўзбекистон Республикаси бозор инфратузилмасининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва мустаҳкамлаш, тадбиркорлар ҳуқуқ-манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, мамлакатимизда интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимини шакллантириш ва қонунчиликнинг долзарб масалаларига бағишланган. О.Окюлов бир нечта қонунларнинг ишлаб чиқилишида, уларнинг таҳлилдан ўтказилишида фаол иштирок этган.

Оманбай Окюлов Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик судларининг илмий-маслаҳат кенгашлари аъзоси. Бугунги кунда унинг раҳбарлиги остида ўнлаб шогирдлар илмий изланишларни амалга оширмоқда.

Тақдир синовларини енгиб, мустаҳкам ирода ва эътиқодини мудом намойиш қилиб келаётган Оманбай Окюлов ҳаётда ниҳоятда камтар, меҳнаткаш, фидойи инсон.

## ИҚТИСОДЧИ СУДЬЯ



Ҳусан Мирсалиҳович ҲАМИДКАРИЕВ

**1968 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1993 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини иқтисодчи мутахассислиги бўйича тамомлаган. Номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган ва 8-Ҳадра сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.**

Ҳусан Ҳамидкариев ўз меҳнат фаолиятини 1993 йилда «Ҳасан» хусусий фирмасида бош ҳисобчи вазифасидан бошлаган. 1994 йилда Яккасарой тумани Давлат солиқ инспекциясининг кичик ва хусусий корхоналарни солиққа тортиш бўлимида давлат солиқ нозири, 1996 йилда давлат тасарруфида бўлмаган корхоналарни солиққа тортиш бўлими нозири, 2001 йилда маъмурий амалиётни ташкил этиш ва назорат қилиш шўъбасининг бош нозири-шўъба бошлиғи ўринбосари лавозимларида ишлаган.

Иқтисодиётнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкам бўлсагина, у тараққиётга юз тутади. Ушбу йўналишда изланишлар олиб бораётган Ҳ. Ҳамидкариев солиқ соҳасида ишлаш билан бир пайтда ўзининг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида 1998 йилда иккинчи мутахассислик бўйича Тошкент Давлат юридик институти сиртқи бўлимига ўқишга кирди. 2002 йилда ўқишни аъло баҳоларга тамомлагач, иқтисодиёт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, мамлакатимиз иқтисодий ва ҳуқуқий салоҳиятини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида 2002 йилда Тошкент шаҳар хўжалик судида суд мажлиси котиби, сўнгра маслаҳатчи лавозимида ишлаган. 2003 йилдан шу кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди учинчи судлов таркибининг катта маслаҳатчиси сифатида фаолият юритмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Ҳусан Мирсалиҳович Ҳамидкариев Тошкент вилоят хўжалик суди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьялар ҳайъати имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, судьялик лавозимига заҳирага олинган.

## ЭЛ НАЗАРИДАГИ ЙИГИТ



Дониёр Эркинович АЮПОВ

**1972 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1994 йилда Тошкент Давлат автомобиль йўллари институтини тамомлаган. Номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган ва 10-Астробод сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.**

Д.Аюпов меҳнат фаолиятини 1994 йилда «Ўзгўштсутсаноат» давлат акциядорлик уюшмасининг техника таъминоти бошқармаси мутахассислигидан бошлаган. 1995 йилда «Тошуйжойқурилишинвест» корпорацияси ишчилар таъминоти бошқармасида муҳандис-механик сифатида фаолият кўрсатган.

Дониёр Аюпов ҳуқуқшунослик касбига қизиққанлиги сабабли 1999 йилдан Тошкент Давлат юридик институти сиртқи бўлимида таҳсил олиб, шу соҳа мутахассиси сифатида фаолиятини Маданият ишлари вазирлиги (ҳозирги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги) таъмирлаш марказида юрист-маслаҳатчи лавозимида давом эттиради. 2003 йилдан бугунги кунга қадар Чилонзор тумани адвокатлар коллегияси «Саид-элжаҳон» адвокатлик бюросида адвокатлик қилмоқда.

Адвокатлик фаолиятини профессионал тарзда юритаётган Д.Аюпов фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга бор куч ва имкониятларини сарфлашга ҳаракат қилмоқда.

Фидокорлар Миллий демократик партиясининг фаол аъзоси сифатида Дониёр Аюпов 2004 йилнинг бошида ФМДП Чилонзор тумани кенгашининг биринчи котиби этиб тайинланди ва бугунги кунда унинг ғояларини, мақсад ва вазифаларини халқимиз орасида кенг тарғиб қилиш билан бирга, шунингдек, туманда турли сиёсий-маърифий ҳамда хайрия тадбирларини ташкил қилиб келмоқда.

Партиянинг навқирон вакили, эл-юрт манфаатларига хизмат қилишга астойдил бел боғлаган, одамларга меҳр-мурувват кўрсатишни ҳаётининг бош мақсадига айлантирган Дониёр Аюпов ўз ҳалол меҳнати эвазига самимий ва ғамхўр инсон ҳамда етук ҳуқуқшунос сифатида эл назарига тушган.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

## *ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ЭРИШИШ — ВАТАНИМИЗНИНГ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ ГАРОВИДИР*

### Улуғбек ТЎЛАГАНОВ,

**«Қуёшдан ҳимоялаш қурилмалари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси**



**1968 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Иш фаолиятини 1-сонли темир-бетон заводида бошлаган. Сўнгра Тошкент уй-жой қурилиш бошқармасида ишлаган. 1998 йилдан шу кунга қадар «Қуёшдан ҳимоялаш қурилмалари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси лавозимида ишлаб келмоқда. У.Тўлаганов ижтимоий ва иқтисодий масалаларда ўзини юқори билимга эга раҳбар сифатида кўрсатди. Унинг ақл-заковатлилиги, ишнинг кўзини билиши, ташаббускорлиги қисқа вақт ичида корхонанинг иқтисодий ҳолатини яхшилашга имкон яратди. Унинг номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган ва 31-Учувчилар округи бўйича рўйхатга олинган.**

— Бугунги кунда акциядорлик жамиятимиз туманда ва шаҳар миқёсида барқарор ишлаётган корхоналар қаторига киради. Унинг ишлаб чиқариш суръатлари доимо ўсиб бормоқда. Кейинги пайтларда 100 га яқин қўшимча иш жойлари яратилди. Корхонани янги замонавий техник дастгоҳлар билан жиҳозлашга 500 миллион сўм сарфланди. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 70 минг сўмдан зиёдни ташкил этади.

Акциядорлик жамияти сифатида фаолият юритаётган «Қуёшдан ҳимоялаш қурилмалари» корхонаси Сергели тумани аҳолисининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга, оталиққа олган мактабгача тарбия муассасаларига, мактаб, соғлиқни сақлаш тузилмаларига яқиндан ёрдам бериб келмоқда. «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг туман бўлимлари, ногиронларнинг «Меҳрибонлик» ўзаро ижтимоий ёрдам, «Қизил Ярим ой» жамиятлари билан ҳамкорликда кўп хайрли ишларни амалга оширмоқдамиз.

Мен ўз сайловолди дастуримда ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга масалаларга эътиборимни қаратишни зарур деб биламан. Жумладан:

— бозорларни ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли товарлар билан тўлдириш;

— аҳолининг турмуш шароити билан бевосита боғлиқ бўлган даромад солиғини ҳамда коммунал тўловларини такомиллаштириш бўйича иш олиб бориш;

— тадбиркорлик билан шуғулланишни бошлаган ёшларга ҳар томонлама ёрдам бериш;

— тумандаги мактаб, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама ёрдам бериш;

- маҳаллаларни доимий равишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

### Турсунмурод ЭШИЕВ,

**таянч-ҳаракат тизими бузилган ногиронларни соғломлаштириш маркази директори**



**1956 йилда Жиззах вилояти, Зомин туманида хизматчи оиласида туғилган. Андижон Давлат тиббиёт институтини имтиёзли тугатган. Москва шаҳридаги И.М.Сеченов номли тиббиёт академиясида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Ўз меҳнат фаолиятини 1979 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Травматология ва ортопедия илмий- текшириш институтида дастлаб катта илмий ходимликдан бошлаб, кейинчалик бош шифокор лавозимида ишлади. 1993-1998 йилларда ортопедия клиникаси бош шифокори, «Ортопедия» акциядорлик жамияти бош директори, 2000-2001 йилларда Республика Ижтимоий таъминот вазирининг биринчи ўринбосари сифатида фаолият юритган. 2002 йилдан буён таянч-ҳаракат тизими бузилган ногиронларни соғломлаштириш республика маркази директори лавозимида ишлаб келмоқда. Ўз меҳнат фаолиятини ХДПнинг мақсад ва вазифалари билан бир ўринга қўяди. Унинг номзоди партия томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган ва 33-Содиқ Азимов округи бўйича рўйхатга олинган.**

— Маълумки, бизнинг мамлакатимизда протез-ортопедия маҳсулотларига муҳтож ногиронлар учун замонавий ортопедия индустрияси яратилган. Ушбу дастур асосида республикамизнинг барча вилоятларида иш юритилмоқда. Унинг тайёрланиши ва амалиётга татбиқ этилишига алоқадор эканман, бугунги кунда ҳам тинимсиз фаолият юритиб, хорижнинг илғор технологияларини ўрганиш, кадрлар тайёрлаш, уларни чет давлатларда малакасини ошириш ва энг сўнгги янгиликларни мустақил юртимиз ҳаётига жорий этиш устида бетиним меҳнат қилишга менга ҳеч нарса ҳалал бера олмайди. Номзодим шаҳар Кенгашига қўйилганини менга билдирилган катта ишонч деб биламан ва қуйидагиларни амалга оширишни мақсад қилдим:

— ўзгалар ёрдамига муҳтож ногиронларга ёрдамни кучайтириш, уларнинг ҳаётини енгиллаштирувчи турли мосламалар билан таъминлаш, соғлиғини тиклаш ва ҳаётга мослаштириш, жамиятда ўзини тенг ҳуқуқли инсон сифатида ҳис этишини таъминлаш;

— жамиятда аёлларнинг мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш;

— солиқ сиёсатини юмшатиш;

— маиший, коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларини ислоҳ қилиш;

— молия-кредит тизимини такомиллаштириш;

— ёш оилаларнинг мустаҳкамланиши учун бериладиган имтиёзларни кенгайтириш.

Муҳтож инсонларга меҳр ва мурувват кўрсатиш, уларнинг дарди билан яшаш, ўксик кўнгилларга далда бериш, ҳаётга ишончсизлик билан қаровчи кўнгилларда умид чироғини ёқиш инсоннинг энг олий фазилатларидан бири бўлиши керак, деб ҳисоблайман.

### Исмоил САГДУЛЛАЕВ,

**«1-автокорхона» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси**



**1961 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Тошкент автомобиль йўллари институтининг йўл хизматини ташкил қилиш факультетини тугатган. Меҳнат фаолиятини 1971 йилда 1-меҳрибонлик уйида ишчи сифатида бошлаган. Институтда таҳсил олишдан ажралмаган ҳолда шаҳар қурилиш бошқармаси 4-трестида ишлаган. 1983 йилдан ўз мутахассислиги бўйича 4-автобус саройида тўртинчи тоифали чилангар вазифасида иш бошлаб, бу ерда автожамланма бошлиғи лавозимида ҳам фаолият юритди. Олган билим ва тажрибаларини мустаҳкамлаб, ўз маҳоратини ошириш борасида кўп ҳаракат қилган И.Сагдуллаев 1993 йилда 12-автосарой бош муҳандиси, 2000 йилдан шу кунга қадар — «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси таркибидаги «1-автокорхона» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси сифатида фаолият юритмоқда. Унинг номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган ва 37-Қурувчилар сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.**

— Мен мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, бу борада давлат томонидан белгиланган вазифаларни тўлақонли ва самарали амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига қўшилиб, эндиликда ўз сиёсий онгимни депутат сифатида ҳам синаб кўриш ниятидаман.

Партиямизнинг сайловолди ҳаракати Ватанимизнинг гуллаб- яшнаши гарови — халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, номзод сифатида сайловчиларимга қуйидаги ишларни диққат-эътиборим остига олишга ваъда бераман:

— аҳолининг, айниқса ёшларнинг иш билан таъминланишига кўмаклашиш;

— меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлигини таъминлаш миллий дастурини ишлаб чиқишда қатнашиш;

— турмуш шароитлари билан бевосита боғлиқ бўлган уй-жой, коммунал ва транспорт хизматлари даражасини яхшилаш бўйича кафолатланган чораларни амалга оширишда фаол иштирок этиш;

— автокорхона ҳудудида маҳалла аҳолисига енгиллик яратиш юзасидан сартарошхона, тиш даволаш ва протез қўйиш хизматларини йўлга қўйиш, маҳалла болалари, яъни ёш авлодни соғлом тарбиялаш мақсадида спорт билан шуғулланишлари учун тегишли шароитлар яратиш;

— аҳоли талаб ва истакларини ҳисобга олган ҳолда янги жамоат транспорти йўналишларини очиш;

— Ҳамза туманидаги Меҳрибонлик уйига, кам таъминланган кўп болали оилалар, ногиронларга ҳамда автокорхонадан ишлаб нафақага чиққанларга йил давомида имкон даражасида ёрдам кўрсатиш;

— ҳайдовчилик касбини хоҳловчилар учун махсус курслар очиш.

### Мурат ЗАИДОВ,

**«Тошкент-Лада» акциядорлик жамияти бош директори**



**1949 йилда туғилган. Иш фаолиятини «Тоштўқимачимаш» заводида токарликдан бошлаган. Ҳарбий хизматдан сўнг «Ўзбеккишлоқмаш» заводида ҳайдовчи, Тошкент агрегат заводида монтажчи бўлиб ишлаган. 1977 йилда «Тошкимёқишлоқмаш» заводи цех бошлиғи, 1983 йилда «ВАЗ» автомаркази цех бошлиғи ўринбосари, 1989 йилда «Тошкент-Лада» акциядорлик жамияти цех бошлиғи сифатида ишлаб, бугунги кунда ушбу жамиятга раҳбарлик қилмоқда. М.Заидов Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мақсад ва вазифаларини қўллаб-қувватлайди. Унинг номзоди партия томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган ва 39-Қозиробод сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.**

**Халқимизнинг фаровонлигини кўтариш мақсадида бор куч-ғайратини сарфлаб меҳнат қилаётган бу тиниб-тинчимас, жонкуяр, ташаббускор инсон ўзининг олийҳимматлиги, адолатпарварлиги, халқчиллиги билан бошқаларга ибрат бўла олади.**

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси сиёсий ҳаётни либераллаштириш, фуқароларда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни шакллантириш, жамиятда манфаатлар мувозанати, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат тузилмаларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга эришиш, халқ таълими ходимлари, олимлар ва ижодий ходимлар, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотларининг ишларини ривожлантириш, Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш каби мақсадларни олдига қўйган экан, уларни ўз асосий ҳаётий вазифам деб биламан. Шу билан бирга сайловолди дастуримда мамлакатимиз юксалишига, халқимизнинг тўкин-сочинлиги ва фаровонлиги учун зарур деб ҳисобланган қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратганман. Жумладан:

1. Миллатимиз қадр-қимматини улуғловчи тарихимизни, бой маданий меросимизни чуқур ўрганиш, ёш авлодни ватанпарвар, билимдон, олижаноб, чин фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш.

2. Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқий билимларини кенгайтириш, жамиятда фаоллиги, сиёсий онги ва дунёқарашини оширишга эришиш.

3. Жамиятимиздаги хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш.

4. Аёллар ва болалар муҳофазасини таъминловчи меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш.

5. Етим ва қаровчисини йўқотган болаларни ижтимоий жиҳатдан ҳар томонлама ҳимоялаш мақсадидаги қонунларнинг қабул қилинишига, уларнинг ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишига эришиш.

6. Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кенгайтириш, жамият, оила ва маҳалла фаоллигини ошириш.

7. Ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришда мактабгача таълим муассасалари ва мактабларнинг ролини янада ошириш.

8. Билимга чанқоқ ота-онаси бўлмаган болалар, кам таъминланган оила фарзандларининг олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилиниши юзасидан меъёрий ҳужжатлар яратилишига жонбозлик қилиш.

9. Жойларда иш жойларини кўпайтириш, ёшларни иш билан таъминлаш.

10. Маҳаллаларда аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш.

Сизнинг ишончингиз, азиз сайловчилар, менга битмас-туганмас куч ва ғайрат бериши табиийдир.

